

Муҳтасибнинг назорати



10:30 / 14.07.2021 1475

Қадим Андулисиядаги ун ва нон бозорида, соғлиқни сақлаш мақсадида, муҳтасибнинг назорати остида тумшуқбанд (ниқоб) тақиш одати шарт қилинган.

Ибн Абдийн ат-Тужайбий Андалусий ун ва нон сотувчиларини кузатувчи муҳтасиб бўлган. Киши акса урганида ёки гапирганида оғзидан бирор нарса учиб кетмаслиги учун ниқоб тақиб олган. Ёки тер хамир устига оқмаслиги учун пешонасига бир оқ латтани танғиб олган.

16 асрдаги Ибн Абдун қаламига мансуб «Рисалатун фил ҳисба» номли ушбу асар 1955 йили Қоҳирадаги «Шарқ обидалари учун Фаранг илмий институти» ходими шарқшунос Леви-Провансаль томонидан нашр қилинди.